
Ишбилармон ва тадбиркорлар учун эълон!
ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Худудларни ривожлантириш, бўш турган ер участкаларидан оқилона фойдаланиш, улар негизида замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратишда кичик саноат зоналарининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёзлар ва қулайликлар яратиш мақсадида туманимизда бир қатор кичик саноат зоналари ташкил этилган.

Хусусан, ташкил этилган “Кичик Тағоб”, “Мингтут” ва “Шўрсув” каби кичик саноат зоналари қатнашчиларига бир қанча имтиёзлар берилган.

Шунингдек, кичик саноат зоналарида тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида коммуникация тармоқлари (электр энергия, табиий газ тармоғи, йўл қурилиши) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, бундай имтиёз ва қулайликлардан оқилона фойдаланиш, барча имкониятлар ва заҳираларни талаб даражасида ишга солиш зарурдир.

Марҳамат, агарда ўз бизнесингизни бошламоқчи, давлатимизнинг тегишли имтиёзларидан фойдаланмоқчи, зарур маълумотлар билан танишмоқчи бўлсангиз бизга мурожаат қилинг!

Мурожаат учун телефонлар: **90 2911999, 90 2745454, 91 6651787**

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги, туман "Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси"

2021-01-21 15:12:01